

А.Ф.НЕГРИ ЭКСПЕДИЦИЯСИ БУХОРОДА

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-11>

Алимова Раҳима Рускуловна

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Марказий Осиё халқлари

тарихи ва манбашунослиги кафедраси мудири, доцент, т.ф.н.

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Россия билан Бухоро ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш ва уни ривожлантириш мақсадида 1820-21 йилларда Россия империясининг Бухоро амирлигига жўнатган А.Ф.Негри бошчилигидаги экспедицияси ва унинг вакилларига юклатилган топшириқлар ҳамда улар эришган ютуқлар тўғрисида маълумот берилади.

XIX аср 20 йилларида Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан алоқаларни ўрнатиш мақсадида Бухоро амирлигига жўнатилган А.Ф.Негри бошчилигидаги экспедицияга Россиянинг Бухоро билан савдо-иқтисодий муносабатларини ўргатиш ва уни янада ривожлантириш, Бухоро аҳолисининг ҳунармандчилик тармоқларини синчиклаб тадқиқ қилиш ҳамда Ўрта Осиёнинг табиий бойликлари ва географик ўрни, унинг ички аҳволи ва ташқи муносабатлари тўғрисида маълумотлар тўплаш вазифаси юклатилган эди. Бу топшириқларни бажариш учун элчилик таркибига турли соҳа мутахассислари, олимлар, ўқимишли офицерлар бириктирилган. Бу масалаларни ўрганиш долзарблигини йўқотмаган.

Калит сўзлар: дипломатик миссия, шартнома, савдо-сотик, А.Ф.Негри, Е.К.Мейендорф, Э.А.Эверсман, қалъалар қуриш, осие тарифи, карвонсарой, савдо йўллари, тоғ-кон ишлари.

ЭКСПЕДИЦИЯ А.Ф. НЕГРИ В БУХАРЕ

Алимова Раҳима Рускуловна,

Ташкентский государственный институт востоковедения

Заведующая кафедрой истории народов Центральной Азии и

источниковедения, доцент, т.ф.н.

АННОТАЦИЯ

Эта статья расскажет об экспедиции А.Ф.Негри который Российское империя отпрвила в Бухары в 1820-21 годах и об их миссии и достижениях в целях установления и развития торгово-экономических отношений между Россией и Бухарой.

Ключевые слова: дипломатическое представительство, контракт, торговля, А. Ф. Негри, Э. Менендорф, Э. А. Эверсман, строительство крепостей, азиатские тарифы, караван-сарай, торговые маршруты, добыча полезных ископаемых.

EXPEDITION A.F. NEGRI IN BUKHARA

Alimova Rahima Ruskulovna,
doctor of Philosophy, Assistant Professor

ANNOTATION

This article will tell about the expedition of A.F. Negri that the Russian Empire sent to Bukhara in 1820-21 and about their mission and achievements in order to establish and develop trade and economic relations between Russia and Bukhara.

Key words: diplomatic representation, contract, trade, A.F. Negri, E. Menendorf, E.A. Eversman, fortress construction, Asian tariffs, caravanserai, trade routes, mining.

Бухоро амирлиги билан Россия ўртасида XVI аср ўрталарида бошланган расмий алоқалар XIX аср бошларига келиб жиддий тус ола бошлаган. Бу даврга келиб, дипломатик ва савдо-иқтисодий муносабатлар ҳар икки томоннинг манфаатларига айланиб улгурган. Шу мақсадда 1815 йилда Бухоро амири Ҳайдархон сарой девонбеги Азимжон Мўминжоновни Россия империяси пойтахти Петербургга элчи қилиб жўнатган. Элчининг Петербургга келишидан мақсад Бухоро билан Россия ўртасида давом этиб келаётган савдо-иқтисодий муносабатларига расмий тус бериб, икки давлатнинг ўзаро савдо алоқалари бўйича шартнома тузиш учун Бухорога подшолик элчисининг жўнатилишини сўрашдан иборат эди [1].

А.Мўминжоновнинг илтимосига кўра, унга Ташқи ишлар вазирлиги бошқарувчиси К.В.Нессельроде 1816 йил 5 июлда подшо ҳукумати “карвонлар қатновини таъминлаш, рус фуқароларини кулликдан озод қилиш”га эришиш ва Россиянинг консулини тайинлаш мақсадида божону дил амалдорини жўнатишни маълум қилган эди. Аммо, Россия ҳукумати томонидан Бухорога ваъда қилинган вакил жўнатилмаганидан сўнг, 1819 йил август ойида девонбеги А. Мўминжонов иккинчи марта Петербургга ташриф буюрган [2]. Бу гал элчилик Россиянинг Бухорога икки давлат ўртасида дўстона алоқаларни ўрнатиш ва савдо-сотикни кенгайтириш мақсадида дипломатик миссия жўнатишига розилиги тўғрисидаги жавобни олишга эришади. 1820 йил Ташқи ишлар вазирлиги мартабали маслаҳатчи (сотрудник Министерства иностранных дел действительного статского советника) А.Ф.Негрини элчилик раҳбари қилиб тайинлайди ва Бухорога жўнатади.

Александр Федорович Негри (1784-1854) дипломат ва археолог бўлиб, 1806 йилда Грециядан Россияга кўчиб келган ҳамда ташқи ишлар идораларида ишлаётган эди [3]. Турк, форс, грек ҳамда француз тилларини пухта эгаллаганлиги кейинчалик А.Ф.Негрининг дипломатик фаолиятига кенг йўл очиб берган [4]. Форс тилини мукамал билганлиги учун уни 1818 йилда подшонинг Эронга жўнатилган фавқулодда элчиси генерал А.П.Ермоловнинг катта маслаҳатчиси қилиб тайинлаган. Шарқ тилларини яхши билганлиги учун у 1837 йилдан бошлаб то умрининг охирига қадар Одесса тарих ва қадимшунослар жамиятида сермахсул фаолият юритган бўлиб, жамиятга келиб тушган барча қимматли манбалар унинг ёрдамида рус тилига таржима қилинган. Меҳнатлари маҳсули сифа-



тида 1844 йил 15 ноябрда жамиятнинг вице-президентлигига ўтказилган.

А.Ф.Негри Эрондан Петербургга қайтиб келганидан кейин, Бухорога жўнаши ҳақида топшириқ олган. Унга Россиянинг Бухоро билан нафақат савдо-сотик алоқаларини ўрнатиши, балки унияна даривожлан тириш учун барча имкониятларни излаб топишни жуда хошлаётганига Амир Ҳайдарни ишонтириш вазифаси юклатилган эди. Элчига Бухоро аҳолисининг ишлаб чиқариш тармоқларини синчиклаб ўрганиш ҳамда Россия томонидан бу ўлкалар билан савдо алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун нималар қилиш кераклигини аниқлаш вазифаси топширилган эди. Бундан ташқари, элчилик миссиясини бажариш билан бир қаторда элчига Ўрта Осиёнинг табиий бойликлари ва географик ўрни, унинг ички аҳволи ва ташқи муносабатлари тўғрисида маълумотлар тўплаш вазифаси ҳам юклатилган эди. Бу топшириқларни бажариш учун элчилик таркибига табиатшунос-олим Э.А.Эверсман ва ўқимишли офицерлар, жумладан поручик В.Д.Вольховский ва гвардия генерал штаби капитани Е.К.Мейендорфлар қўшилган. Негри ўзига юклатилган барча топшириқларни муваффақиятли адо этган ва Бухоро амирлиги билан олиб борган музокоралари тўғрисида Ташқи Ишлар вазирлигига батафсил ҳисобот топширган [5].

Азалдан чор маъмурларини Россиядан Бухорога, ёки Бухородан Россияга борадиган карвонларнинг тинчлигини сақлаш муаммоси хавотирга солиб келаётган эди. Шунинг учун Негрига юклатилган топшириқлардан бири, Бухоро хонларини хонликдан то Сирдарёгача бўлган ораликдаги савдо карвонларига таҳдид солаётган “ҳар қандай хавфнинг олдини олиш” бўйича энг мақбул чораларни кўришига эришиш эди. Бундан ташқари, Негри Хива билан қозоқлар ўртасидаги муносабатларни, хивалик қўшинларнинг қозоқ султонлари улусларига ҳужумлари сабабини, Муҳаммад Раҳимхоннинг шахсий сифатлари ва бошқарув тартибини ўрганиши ҳам керак эди [6].

Ташқи Ишлар вазирлиги 1820 йил 25 июлда А.Ф.Негри экспедициясига иккита кўрсатма берган, биринчиси, Қўқон, Туркистон, Тошкентнинг худуди, табиий бойликлари, ҳукмдорлари тўғрисида ҳамда Бухоронинг Усманийлар империяси, Хива, Эрон, Афғонистон билан муносабатлари, Кобул, Қандаҳор, Кашмир, Панжоб, Ладакдаги сиёсий аҳвол, Сирдарё ва Амударёдаги кемалар қатнови, у ерда қайси европа товарларига эҳтиёж борлиги ва уларни қаерлардан келтирилишини аниқлаши, иккинчидан, Хива ва Бухородаги рус қуллари, уларнинг нархлари, одамларни ўғирлашнинг олдини олиш йўллари кидириб топишдан иборат эди [7].

Бухорога жўнатилган дипломатик миссия таркибида ҳарбийлар: гвардия генерал штаби капитани Е.К.Мейендорф ва поручик В.Д.Вольховский, қўшинни жойлаштириш ва таъминлаш билан боғлиқ қисм поручиги Тимофеев, Оренбург корпуси подпоручиги Тафаев билан Артюховлар ҳам бор эди. Уларнинг вазифалари Мейендорф томонидан белгилаб берилган бўлиб, Троицкдан то Сирдарёгача бўлган Қирғиз даштларини ўрганиш, Троицк, Орск ва Сирдарё оралигида қалъалар қуриш учун қулай жойларни аниқлашдан иборат эди. Бу дарё бўйида истехкомлар қуриш Бухоро ва Хивага борадиган карвон йўллари

хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим эди [8].

Шу билан биргаликда элчилик Бухоро билан Россия ўртасидаги қулай йўлларни аниқлаш ва бу бўйича бош харитани тузишлари лозим бўлган.

Оренбург ҳарбий губернатори элчилик миссиясини кузатиб бориш учун капитан С.Циальковский кўмондонлигида 200 та казак қўшинлари, 2 та отлик артиллерия ва 100 та ўқчини қўшиб жўнатган [9].


П.К.Эссен 1820 йил 18 сентябрда А.Ф.Негрига Бухорода рус савдогарлари эркин юришига рухсат бериши, худди шундай шароит бухоролик савдогарларга Россияда яратилиши, у ерда худди Оренбургдаги бухороликлар карвонсаройига ўхшаш карвонсарой қурилишини талаб қилиш тўғрисида махсус топширик берган [10].

Элчилик таркибида яна бир натуралист Э.А.Эверсман (1794-1860 йй.) ҳам бор эди. Эдуард Эверсман Пруссия фуқароси. 1814 йилдан Россияда яшаган, Германия университетларида ўқиган ва Дерпт университетига тиббиёт доктори илмий даражасини олган. У ўқимишли, медицина ва бошқа табиий фанлар соҳаси билимдони. Эверсман Златоустовскдаги қурол-аслаҳа фабрикасининг бош врачлари бўлиб ишлаган, ҳалол, адолатпарвар, виждонли бўлиб, қатъиятли ва жасур характер эгаси ҳисобланган [11]. 1823 йилда Берлинда Э.А.Эверсманнинг “Оренбургдан Бухорога саёҳат” номли китоби немис тилида нашрдан чиққан. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми Бухорога элтадиган йўлларга бағишланган бўлиб, унда кўпроқ ботаника-геологик маълумотлар қатори этнографик ва археологик материаллар ҳам ўрин олган, қозоқ қабила ва уруғларининг турмуш тарзи, уларнинг қадимги шаҳарлари ва бошқалар тўғрисида маълумотлар берилган. Китобнинг иккинчи бўлимида Бухоро тарихи ва унинг замонавий аҳволи, шаҳарнинг лойиҳаси, архитектура ёдгорликлари, мачит ва мадрасалари, савдо иншоотлари ҳамда савдо-сотиқнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида баён қилинган [12].

1820 йилнинг 10 октябрида А.Ф.Негри Оренбургдан Э.А.Эверсман, Е.К.Мейендорф ва бошқа ҳамроҳлари билан йўлга чиққан. Элчилик карвонида 30 та арава ва 473 та юк ортилган туя бўлган.

Элчилик карвони 1820 йилнинг 17 декабрида Бухорога 44 верст қолганда Бухоро амирлиги вазири ва сарбозлар томонидан кутиб олинади. Миссия Бухоро шаҳрига 20 декабрда кириб келади. Амир Хайдар элчилар раҳбари А.Ф.Негрини саройда қабул қилади. Элчи амирга императорнинг ёрлиғини тақдим қилади. Ўн кундан кейин А.Ф.Негри икки марта вазир билан узоқ суҳбатлашишган. Элчилик кутилган мақсадга эришган [13]. Амир ва унинг амалдорлари карвонларнинг хавфсиз ҳаракат қилишларидан ҳар икки томон манфаатдорликларини таъкидлашган. Келишувга кўра, хон қўшинлари хонликдан чиққан карвонларни Сирдарёгача кузатиб бориши, у ердан то Сибирь чизигигача эса рус қўшинлари кузатиб боришлари кераклиги келишиб олинган. Шунинг учун бўлса керак, Россия империяси консулининг Бухорога келиши тўғрисидаги таклифни ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилган.

Учрашувда янги Осиё таърифи масаласи кўтарилган ва у қийинчиликсиз



ечимини топган. Элчи бу таъриф на фақат бухороликлар, балки рус ва бошқа чет эллик савдогарлар учун жуда керак, деб чор ҳукумати хонлик билан савдо алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашишини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Элчилик Бухородаги вазият билан ҳам қизиққан. Негри Эссенга берган хабарида, карвонлар хавфсизлигини ҳимоя қилаолмаётган амир Ҳайдархонга нисбатан хонликда нафрат ҳукмронлигини айтиб ўтилган. Уларга Орск ва Троицкдан қайтаётган бухоро карвонларини хиваликлар талаганликлари ҳақида хабар етиб келган. Элчилик вакиллари Бухорода эркин ҳаракатлана олмаётганликларини, уларни доимо маҳаллий амалдорлар кузатиб юрганликларини билдиради [14].

1821 йил 24 мартда Эссен Александр I га ёзган мактубида, дипломатик элчилик муваффақиятга эришганлигини завқ-шавқ билан хабар қилган [15].

Уч ой Бухорода бўлгандан сўнг, 1821 йил 23 мартда миссия ортга қайтади ва 19 апрелда Сирдарёдан ўтади. Негри Эссенга ёзган мактубида, элчиликнинг Бухорони чуқур ўрганишга эришилганлиги ҳамда Россиянинг бухороликлар учун фойдали томонларини кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари самарали бўлганлигини эътироф қилган эди. Май ойининг ўрталарида дипломатлар ватанига қайтиб келишган. Негри Оренбур генерал-губернаторига Бухоро хонлиги билан келишилган ҳужжат яқин кунларда бухоролик элчи томонидан олиб келинишини хабар қилган.

Мазкур масала бўйича тадқиқот олиб борган тарихчи Н.А.Халфиннинг маълумотларига кўра, Бухоро ҳукумати Россиянинг таклифини осонликча қабул қилиши тўғрисидаги хабар билан келиша олмайди, унинг фикрига кўра, бухоро ҳукумати келишув шартномасини амалга оширишга бунчалик тез киришиши мумкин эмас. Чунки, бу хусусият Россиянинг Негри экспедициясига қадар ва ундан кейин ҳам Ўрта Осиё хонликлари билан олиб борган ўзаро алоқаларига хос. Рус буржуа қоидаларидан етарли хабардор бўлмаган маҳаллий ҳукмдорлар музокораларга ҳар доимгидай кўп ҳам эътибор беришмаган, ҳаттоки келишувлар ҳужжатлаштирилган тақдирда ҳам. Мадомики, ҳар ҳолда келишувларни ҳужжатлаштиришдан қочишган. Ҳатто уларни расмийлаштиришга шошилмаган [16].

Бухоро амирлигида бўлган А.Ф.Негри бошчилигидаги экспедиция таркибида табиатшунос Е.К.Мейендорф ҳам бўлган. У саёҳати маҳсули сифатида 1826 йилда «Оренбургдан Бухорога саёҳат» деб номланган китобини нашр қилдирган [17]. Асарда кўпроқ Бухоронинг ички ва ташқи савдо алоқалари ёритилган. У Бухорони савдо-сотиғи ривожланган, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар билан доимий қизғин савдо алоқаларида бўлган, аҳолиси зич жойлашган шаҳар, деб хабар қилган.

У Бухорода бўлганида 14 та карвонсарой мавжудлигини аниқлаган. Улар Абдуллажон, Кушбеги, Ҳинд, Нуғой, Хўжа Жўйбор, Тошкент, Қарши, Мирагул, Амир, Куллота, Фишана, Данкулла-Шир, Урганч каби номлар билан аталган [18]. XVIII асрнинг 70 йилларида Бухорода 4 та ғишт карвон-сарой бўлган бўлса, XIX асрнинг 40 йилларида Н.В.Ханыков даврига келиб уларнинг сони 24 та ғишт ва 14 та чўпқори карвон-саройга етган [19]. Бухорода карвон-саройларнинг етишмаганлиги



сабабли катта тимлар курила бошланган.

Бухоронинг қишлоқ хўжалиги хусусида ёзиб, Бухоро пахтасининг каттагина қисми экспорт қилинганлиги боис пахта етиштириш масаласига алоҳида аҳамият берилиши таъкидлаган. У Кобулда ғўза яхши ўсмаслиги сабабли пахта Кобулга Бухородан келтирилишини, аммо Россияга ундан ҳам кўп миқдорда Бухоро пахтаси чиқарилишини эслатиб ўтган.


Мейендорф Бухоро бозорлари растасида ҳинд парчаси ва ип газлама матолари борлигини таъкидлайди. Бухорога Ҳиндистондан гуруч, қимматбаҳо тошлар ва юпка шамшир келтирилган. У Бухоронинг афғон савдогарлари орқали Кашмир билан олиб борган савдоси тўғрисида ёзади. Улар Кашмирдан шол ва зар иплардан тўқилган мовут олиб келганлари ҳақида ёзади. Мейендорф ҳиндлар ўз товарлари билан Кабул, Шикарпур, Мултон ва умуман Ҳиндистондан келадилар, деб айтиб ўтади. Улар кашмир шоли, зар ип қўшиб тўқилган ипак матолар, юпка ип матолар, салла учун ишлатиладиган оқ мато ва астарлик учун ишлатиладиган гулли мато, майда дур ва қимматбаҳо тошлар, нил бўёғи келтирилганлигини хабар қилади [20].

Мейендорфнинг маълумотлари орасида Бухоронинг Эрон билан савдо алоқалари ҳақидаги фикри диққатга сазавордир. У Бухорода феруза ва парча матолари билан савдо қилган эронлик савдогарларни кўрган. Бухороликлар Эронга пахта, ипак матолар, мовут, қалампирмунчок, равоч ва рус товарлари олиб борган. У Бухоро қанд упасини Эрон, Афғонистон ва асосан Пешавор орқали олади, деб таъкидлайди. Шу мамлакатлардан салла учун шол матолари, сарик камар, гилам ва феруза келтиради. Шу хилдаги савдони давом эттириш учун бухороликларга ҳар йили 600 та туя керак бўлади. Бу савдо Бухоро учун Россия ва Қашғардан кейинги даражада турганлигини Мейендорф таъкидлаб ўтган эди [21].

Асарда Бухоронинг Афғонистон билан савдо алоқалари иккита савдо йўли орқали олиб борилиши хусусида фикр билдирилган. Биринчиси, Балх орқали Кобулга, иккинчиси эса Бухородан Ҳиротга борадиган йўл бўлган. Афғонистон Бухорога энг яқин мамлакат бўлганлиги сабабли узоқ йиллардан буён бу икки давлат ўртасидаги савдо алоқалари доимий давом этиб турган. Мейендорф маълумотларига кўра, бир савдогар Бухородан Кобулга 30 марта борган экан. Унинг ёзишича, афғонлар Бухорога ўзларининг товарларини ва транзит йўли билан кашмир шоли матосини олиб келган.

Шундай қилиб, Мейендорф келтирган далиллар XIX асрнинг 20-йилларида ҳам Бухоро хонлигининг Афғонистон, Ҳиндистон, Кашмир ва Эрон билан жадал савдо алоқаларида бўлиб турганлини тасдиқлайди. Жумладан, кейинги тўрт-беш йилда Бухорода ҳиндлар сони жуда тез кўпайиб кетиб 300 тага етган, уларнинг бир қисми муқим ўрнашиб олган бўлса, қолган қисми эса Кобулга бориб келиб туради [22]. Бухорода тахминан 4000 афғонлар бўлиб, уларнинг бир қисми савдо билан шуғулланган. Эронликлар эса 40000 киши бўлиб, уларнинг аксарият кўпчилиги куллар бўлган [23].

Бухоро хонлиги ҳақидаги муҳим маълумотлар А.Ф.Негри экспедициясининг вакили Э.Эверсман томонидан ҳам тўпланган. Унинг китобида Бухоронинг ички ва ташқи савдо алоқалари яхши акс эттирилган. Эверсман маълумотларига кўра,



Бухоро Россиянинг бир қатор шаҳарлари: Троицк, Орск, Оренбург, Астрахан, ва бошқа Шарқ давлатлари: Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Кашмир билан савдо алоқалари ўрнатган. Муаллиф Россиядан Бухорога келтирилган товарларни санаб ўтади. У Эрондан 500 та туяда ипак ва жун кийимлари, шол, рўмоллар ва бошқа товарлар келтирилишини хабар қилади [24].

Кашмир ва Кобулдан Бухорога асосан, кашмир шоли, ҳиндларнинг гулли ип матолари, зар ип аралаштириб тўқилган гулли олий навли ипак кийимлар ва ниль бўёғи келтирилган. Эверсман маълумотларига кўра, Кашмирдан ҳар йили 40000 шол олиб чиқилган, улардан Бухорога фақат 3000 таси келтирилган [25].

Эверсман Мейендорф каби Бухорони Осиё транзит савдосининг муҳим маркази сифатидаги аҳамиятини таъкидлаб ўтади. У ҳам Мейендорф каби Бухоро шаҳрида мавжуд бўлган карвон-саройлар хусусида фикр билдирган. Масалан: ҳинд карвон-саройида ҳиндлар, хитой карвон-саройида қўқонлик ва қашғарлик савдогарлар, татар карвон-саройида татарлар яшаганлиги ҳақида маълумот берган.

Муаллиф ўз эътиборини Бухородаги қимматбаҳо тошлар савдосига қаратган. У ерда асосан феруза, лаъл, сиёхранг гилвата, силлиқланган карнеоллар, лазурит сотилган. Лазурит Бухорода хоналарни бўйида бўёқ сифатида ишлатилган [26].


Эверсман, Бухорога Эрондан ишланмаган феруза келтирилиб, Бухорода силлиқланганлиги, Бадахшондан – лазурит ва гилвата келтирилганлигини ёзади. Бухорода ишлов берилмаган лазурит нархи, ҳажмига қараб 20 дан 40 голланд дукатигача сотилган.

Негри миссиясининг яна бошқа бир иштирокчиси Будрин бўлиб, унинг асари 1871 йил Санкт-Петербургда нашр қилинган. Унда XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоронинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти акс эттирилган. Будрин асарида Бухоронинг ички ва ташқи савдо алоқалари ёритилган. Унинг маълумотига кўра, Бухорода 13 та карвонсарой бўлиб, унда ҳиндлар, хиваликлар, нуғойлар, эронликлар, арманлар, қирғизлар ва бошқалар яшаган.

Будрин маълумотига кўра, Бухорода савдо ишлари паст даражада бўлган. Бу ердаги савдода алдаш ва фирибгарлик ишлатилган. У жазо турларининг қаттиклигига қарамай, савдогарларни ҳақ деб бўлмади, деб ёзади. Агар харидорга харид қилинган товар ёқмай қолса, бир неча ҳафтадан сўнг қайтариб олиб келса, савдогар қайтиб олиши керак бўлган [27].

Будриннинг фикрича, ҳукуматнинг эътиборсизлиги Бухоро савдосининг ривожланишига тўсиқ бўлган. У, ҳукумат фақат товарлардан бож солиғи йиғишни ўз вазифаси деб билган, савдогарларни ҳимоя қилмаган ва уни ўз вазифаси деб ҳисобламаган, дейди

Будрин, Ҳиндистон, Эрон ва Россиянинг Бухоро савдосидаги ролини алоҳида таъкидлайди. Лекин Бухорога келтириляётган ва у ердан олиб кетиляётган товарларнинг таркибига тўхталмаган. У ўз эътиборини асосан тоғ-кон ишларига қаратган. Унинг маълумотларига кўра, Бухороликлар Ҳиндистон, Эрон ва Хитойдан олтин, кумуш, мис, қалай ва темир олган [28]. Ҳиндистондан чит келтирилган бўлиб, у салла учун ишлатилган [29].



Шундай қилиб, А.Ф.Негри элчилигининг Бухорога келиши, амирликнинг шарқ давлатлари билан савдоси ҳақидаги бир қанча асарларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Бу асарлар XIX аср бошларидаги илмий тадқиқот ишларига асос бўлди. Е.К.Мейендорфнинг асари француз тилида нашр қилинганидан кейин бу асар парчаларининг рус тилидаги таржималари пайдо бўла бошлади. Бу нашрларнинг муаллифи Г.И.Спасский (1783-1864) эди. Спасский 1825-1827 йилларда Петербургда «Азиатский вестник» журналини нашрдан чиқаради. Журналда унинг шарқшуносликка бағишланган бир неча мақолалари ҳам чоп қилинади. Улар Мейендорфнинг «Қатта Бухоронинг янги тарихи» асарининг бўлаклари эди [30]. Спасский эътиборини Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон ва Эрон билан савдо алоқаларига қаратган. У жумладан, бундай ёзади, «Пойтахт Бухорода савдо қилиш учун Шикарпур ва Синддан келган 200 нафар ҳиндлар, ҳамда Мултон ва Панжобдан келган 50 сикхлар яшайдилар» [31].

Е.К.Мейендорф Бухорода 300 нафар ҳинд савдогарлари савдо қилганлигини аниқлаган бўлса, Спасский эса улар 250 та эди деб ёзади. Мейендорф асари асосида Спасский «Бухоро ва Хиванинг қисқача тарихи» ва «Ўрта Осиёнинг баъзи вилоятлари ва шаҳарларининг замонавий аҳволи» асарларини ёзган [32].

Мейендорфнинг асари асосида А.Каменский ўзининг «Бухорога статистик назар» ва «Бухоронинг ахлоқ қоидалари» номли мақолаларини «Северный архив» журналида нашрдан чиқарган [33].

Бухоронинг халқаро савдодаги ролига А.Ф.Негри элчилигининг бошқа вакиллари ҳам муҳим аҳамият берган эди. Элчилик вакилларидан бири ўз хатида шаҳарнинг ярми карвонсаройлардан, бозор ва дўконлардан иборат, турли миллат савдогарларининг бу ерга интилиши Бухоронинг савдо маркази эканлигидан далолат беради, деб ёзган эди [34]. Маълумки, бу савдо муносабатлари қароқчиларнинг босқинчиликлари натижасида қийинчиликка дучор бўлар эди. Бухоро ҳукумати бу ҳодисаларни бартараф қилиш учун ҳеч қандай чора кўрмас эди. Юқоридаги хатда таъкидланганидек, «яқинда қароқчилар Эрондан келаётган иккита карвонни ва элчилар ортидан Оренбург чегарасидан келаётган карвоннинг қаттагина қисмини ҳам талашган» [35].

А.Ф.Негри миссиясининг вакилларидан бири табиатшунос тадқиқотчи Э.Эверсман 1821 йил 21 январда Петербургда юборган хатида «Эрондан келаётган иккита бухоро карвони туркманлар томонидан таланиб, одамлар ўлдирилган»лиги ҳақида ёзган. Тарихдан маълумки, Бухоро билан Эрон ўртасидаги савдо — иқтисодий алоқалари тез-тез содир бўлиб турадиган туркман қароқчиларининг талончиликлари оқибатида, улар ўртасидаги савдо алоқалари яхши ривожланмаган. Шунинг учун Негри элчилигининг вакиллари бухоро ҳукмдорларини ҳақли равишда айблаган эдилар, негаки улар бу каби қароқчилик босқинларининг олдини олиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмаган эди. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар доим ҳам Бухоро ҳукмдорлари хоҳлаган тақдирларида ҳам йўлларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун бирор тадбир қилиши қийин эди. Фақатгина хонлик пойтахти яқинларидаги савдо йўлларининг хавфсизлигини

таъминлаш мумкиндир, аммо хонликдаги ҳукумрон бўлиб келган беқарор вазият туфайли Бухородан Эронга борадиган йўлни ҳимоя қилишни ҳукуматдан кутиш бефойда эди. Шунини эслатиш лозимки, XIX асрдаги манғитлар шайбоний Абдуллоҳон II ёки баъзи аштархонийлар каби таъсирга эга эмас эдилар. XVIII аср ўрталарига нисбатан Шохмурод, Ҳайдар ёки Насрулло даврига келиб, Бухоронинг Ўрта Осиё минтақасидаги таъсири сезила бошлаган, лекин ҳануз Бухоро аввалги сиёсий мавқеига кўтарила олмаган эди.

Хулоса қилиб айтганда, А.Ф.Негри экспедицияси вакиллари ўзларига топширилган вазифаларни муваффақиятли бажаришган, улар нафақат Россия билан Бухоро ўртасидаги савдо алоқаларини ўрганиш ва уни ривожлантириш ишига, балки Бухоро тўғрисидаги илмий билимларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган ҳамда янги асарларнинг пайдо бўлишига шароит яратиб барган эди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

Мазкур мавзунини ёритишда асосан элчилик вакиллари қаламига мансуб асарлар хусусан, Е.К.Мейендорфнинг “Путешествие из Оренбурга в Бухару”, Э.А.Эверсманнинг “Reise von Orenburg nach Buchara”, Будриннинг “Русские в Бухаре в 1820 году” номли китоблари ҳамда “Азиатский вестник”, «Сибирский вестник», “Северный архив”, “Русский архив” журналларида эълон қилинган мақолалар асосий манба бўлиб хизмат қилди.

1. Халфин Н.А.. Россия и ханства Средней Азии (первая половина XIX века). – М. “Наука”, 1974. – С. 155; История Узбекистана в источниках. Известия путешественников, географов и ученых XVI – первой половине XIX в. – Ташкент. «Фан», 1988, – С.191.

2. Халфин Н.А.. Ўша асар. – С. 155.

3. Энциклопедический словарь Ф.А.Брокгауз и И.А.Ефрон. В.Алексеев. Негри, Александр Фёдорович. – С.

4. *Алексеевский В. Негри, Александр Федорович.*

5. История Узбекистана в источниках. Известия путешественников, географов и ученых XVI – первой половине XIX в. – Ташкент. «Фан», 1988, – С.191.

6. Халфин Н.А. Ўша асар. – С. 160.

7. Халфин Н.А. Ўша асар. – С. 160-161.

8. Халфин Н.А. Ўша асар. – С. 161.

9. Халфин Н.А. Ўша асар. – С. 161.

10. История Узбекистана в источниках. Известия путешественников, географов и ученых XVI – первой половине XIX в. – Ташкент. «Фан», 1988, – С.200.

11. У ҳақида қаранг: Гепнер В. Эдуард Александрович Эверсман. Зоолог, путешественник. – М., 1940. 80 с.; Биографический словарь профессора и преподавателей Казанского университета. Т. I. – Казань, 1905. – С. 533-543; Васильев А. Путешествие доктора Эверсмана в Бухару //Труды Оренбургской

ученой архивной комиссии. Вып. XIV. – Оренбург, 1905; Халфин Н.А. Ўша асар. – С. 163-175.

12. E.E.Eversman. Reise von Orenburg nach Buchara. Berlin, 1823. С. 150+40; Қаранг. Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии (первая половина XIX века). – Москва «Наука», 1974. – С. 163-175.
13. Халфин Н.А. Ўша асар. – С. 167.
14. Халфин Н.А. Ўша асар. – С. 168.
15. Халфин Н.А. Ўша асар. – С. 168.
16. Халфин Н.А. Ўша асар. – С. 169.
17. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: Наука, 1975.
18. Мейендорф Е.К. Ўша асар. –С.100.
19. Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С.88-89.
20. Мейендорф Е.К. Ўша асар. – С.42.
21. Мейендорф Е.К. Ўша асар. – С. 130.
22. Мейендорф Е.К. Ўша асар. – С. 98.
23. Мейендорф Е.К. Ўша асар. – С. 106.
24. Eversman E. Reise von Orenburg nach Buchara.– Berlin. 1823.
25. Eversman E. Ўша асар. – Р. 77.
26. Eversman E. Ўша асар. – Р. 74.
27. Будрин. Русские в Бухаре в 1820 году (Записка очевидца)//Туркестанский сборник. Т. 239. – СПб., 1880. –С. 32.
28. Будрин. Ўша асар. – С. 30.
29. Будрин. Ўша асар. – С. 35.
30. Новейшее описание Великой Бухарии //Азиатский вестник. – СПб., 1825. № 1-6.
31. Ўша асар. № 1. – С. 306.
32. Краткое описание Бухарии и Хивы //Сибирский вестник. СПб., 1823. Ч. I. 6-11 б.; О нынешнем состоянии некоторых областей и городов в Средней Азии //Азиатский вестник. – СПб., 1826. Т. I.
33. Каменский А. Статистический взгляд на Бухарию (Из книги: Путешествие в Бухарию, полковника Барона Мейендорфа. – СПб., 1826) //Северный архив. – СПб., 1826. № XIX-XX; Его же. Нравственное состояние Бухарии (Из книги Мейендорфа: Путешествие из Оренбурга в Бухару. Пер. А.Каменский. – СПб., 1826)//Северный архив. – СПб., 1826. № 21,22,24.
34. К истории русского посольства в Бухару и освобождению оттуда русских пленнх в 1821 году //Русский архив. Вып. 5. Кн..2. – М.: 1915. –С. 37.
35. К истории русского посольства в Бухару...–С. 39.